ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАНСУБЛИК ДЕФИНИЦИЯСИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Раҳмонов Шерзод Толибович
Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши котибияти мудири
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
https://doi.org/10.5281/zenodo.21504388

Аннотация: Тадқиқод давомиди юзилган мақолада маҳаллий вакиллик ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида миллий-маданий мансубликдан ижтимоий конфликтларнинг олдини олишнинг муҳим механизми сифатида фойдаланишнинг ижтимоий-фалсафий асослари таҳлил қилинган. Миллий-маданий хилма-хилликни сақлаш, турли этномаданий гуруҳлар ўртасида бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат муҳитини шакллантириш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ҳамда маданий мулоқот орқали ижтимоий барқарорликни таъминлаш масалалари ёритилган. Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар, фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик кенгашларининг ҳамкорлиги асосида ижтимоий зиддиятларнинг олдини олиш, қарор қабул қилиш жараёнларида аҳоли иштирокини кучайтириш ҳамда давлат бошқарувининг демократик тамойилларини ривожлантиришга доир илмий хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Маҳаллий вакиллик ҳокимияти, миллий-маданий мансублик, ижтимоий конфликт, конфликтларнинг олдини олиш, маданий мулоқот, бағрикенглик, толерантлик, этномаданий хилма-хиллик, ижтимоий барқарорлик, фуқаролик жамияти, жамоатчилик иштирокини таъминлаш, маҳаллий Кенгашлар, жамоатчилик кенгашлари, ҳуқуқий маданият, ижтимоий шериклик, демократлашув, давлат бошқаруви, инсон қадри, жамоатчилик муҳокамаси, ижтимоий интеграция.

ДЕФИНИЦИЯ НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ В ОСУЩЕСТВЛЕНИИ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ

Аннотация: В статье исследуются социально-философские основы использования национально-культурной идентичности как механизма предупреждения социальных конфликтов в процессе осуществления деятельности органов местной представительной власти. Особое внимание уделено вопросам сохранения национально-культурного многообразия, формирования атмосферы толерантности и взаимного уважения между различными этнокультурными группами, расширения общественного участия и обеспечения социальной стабильности посредством культурного диалога. Обоснована роль местных Кенгашей, институтов гражданского общества и общественных советов в предупреждении социальных конфликтов, повышении участия населения в процессе принятия решений и совершенствовании демократических принципов государственного управления.

Ключевые слова: местная представительная власть, национально-культурная идентичность, социальный конфликт, предупреждение конфликтов, культурный диалог, толерантность, межэтнические отношения, этнокультурное многообразие, социальная стабильность, гражданское общество, участие общественности, местные Кенгаши, общественные советы, правовая культура, социальное партнёрство, демократизация, государственное управление, человеческое достоинство, общественное обсуждение, социальная интеграция.

THE DEFINITION OF NATIONAL AND CULTURAL IDENTITY IN THE EXERCISE OF REPRESENTATIVE AUTHORITY

Abstract: This article examines the socio-philosophical foundations of using national and cultural identity as a mechanism for preventing social conflicts in the activities of local representative authorities. The study highlights the importance of preserving ethnocultural diversity, promoting tolerance and mutual respect among different cultural groups, expanding public participation, and strengthening social stability through intercultural dialogue. It also analyzes the role of local councils, civil society institutions, and public councils in preventing social conflicts, enhancing citizen participation in decision-making, and improving democratic principles of public governance. The research proposes theoretical and practical approaches to strengthening social cohesion and ensuring sustainable local governance in a multicultural society.

Keywords: local representative authorities, national and cultural identity, social conflict, conflict prevention, intercultural dialogue, tolerance, ethnocultural diversity, social stability, civil society, public participation, local councils, public councils, legal culture, social partnership, democratic governance, public administration, human dignity, public consultation, social integration, sustainable development.

Кириш: Вакиллик ҳокимиятини амалга оширишда миллий-маданий мансублик тушунчаси ижтимоий-фалсафий таҳлил нуқтаи назаридан кўп қиррали мазмунга эга бўлиб, у шахснинг муайян этник, тил, урф-одат ва қадриятлар тизимига мансублигини англатиш билан бирга, унинг жамоавий идентификациясини шакллантирувчи муҳим омил сифатида намоён бўлади. Мазкур тушунча давлат ва жамият муносабатларида, айниқса, маҳаллий вакиллик ҳокимияти фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади, чунки маҳаллий даражада қарор қабул қилиш жараёнлари бевосита аҳоли таркибининг маданий, этник ва ижтимоий хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан миллий-маданий мансублик фақат ижтимоий категория сифатида эмас, балки сиёсий-ҳуқуқий ва бошқарув феномени сифатида ҳам қаралади. Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида миллий-маданий мансубликни инобатга олиш, аввало, жамиятдаги ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларини таъминлашга хизмат қилади. Чунки аҳоли турли этник гуруҳлардан ташкил топган шароитда уларнинг манфаатлари, эҳтиёжлари ва қадриятлари бир хил эмас. Шунинг учун ҳам вакиллик ҳокимияти институтлари қарор қабул қилиш жараёнида мазкур хилма-хилликни ҳисобга олган ҳолда иш юритиши зарур. Бу эса ўз навбатида демократик бошқарувнинг муҳим белгиси бўлган плюрализмни таъминлайди.

Миллий-маданий мансублик тушунчасини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилганда, унинг онтологик ва гносеологик асослари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Онтологик жиҳатдан у жамиятнинг реал мавжуд бўлган ижтимоий тузилмасини ифодаласа, гносеологик жиҳатдан инсоннинг ўзини англаши, ўзининг қайси маданий маконга тегишли эканлигини идрок этиши билан боғлиқ. Бу жараён ижтимоийлашув орқали шаклланади ва шахснинг сиёсий фаоллигига ҳам таъсир кўрсатади. Муайян этник гуруҳ вакили ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун маҳаллий кенгашлар фаолиятида фаол иштирок этиши мумкин, бу эса вакиллик ҳокимиятининг самарадорлигини оширади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз айни шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари,

қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борасида муҳим қадамларни қўймоқдамиз”[1].

Ўзбекистон шароитида миллий-маданий мансублик масаласи алоҳида ўрин тутади, чунки мамлакат кўп миллатли жамият ҳисобланади. Расмий маълумотларга кўра, республикада юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Бу ҳолат маҳаллий бошқарув тизимида турли маданий манфаатларни уйғунлаштиришни талаб этади. Маҳалла институти эса ана шу жараёнда муҳим воситачи бўлиб хизмат қилади. Маҳалла доирасида аҳоли ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик миллий-маданий мансублик асосида шаклланади ва ривожланади.

Вакиллик ҳокимиятини амалга оширишда миллий-маданий мансубликни ҳисобга олиш механизмлари орасида институционал, ҳуқуқий ва ижтимоий омиллар муҳим аҳамиятга эга. Институционал механизмлар қаторига маҳаллий кенгашлар таркибини шакллантиришда турли ижтимоий гуруҳларнинг иштирокини таъминлаш киради. Бу ерда сайлов тизими орқали турли этник ва маданий гуруҳлар вакилларининг депутатликка сайланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса қарор қабул қилиш жараёнида турли нуқтаи назарларни инобатга олиш имконини яратади. Ҳуқуқий механизмлар эса миллий-маданий ҳуқуқларни кафолатлаш орқали намоён бўлади. Конституция ва қонунчиликда барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилган бўлиб, бу принцип амалда маҳаллий бошқарув органлари фаолиятида ҳам таъминланиши керак. Бу эса вакиллик ҳокимиятининг легитимлигини мустаҳкамлайди.

Ижтимоий механизмлар эса аҳоли ўртасидаги маданий мулоқот ва ўзаро тушуниш даражаси билан боғлиқ. Маданиятлараро мулоқот қанчалик юқори бўлса, жамиятдаги ижтимоий барқарорлик ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бу эса маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, чунки ижтимоий келишув муҳитида қабул қилинган қарорлар аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланади. Мисол тариқасида, айрим ҳудудларда муайян этник гуруҳлар компакт яшайдиган ҳолатлар мавжуд. Бундай ҳудудларда маҳаллий кенгашлар фаолиятида шу гуруҳ вакилларининг иштирокини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Бу нафақат уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, балки ижтимоий адолатни таъминлашга ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга, бошқа гуруҳлар манфаатларини ҳам инобатга олиш орқали умумжамият манфаатлари таъминланади. Миллий-маданий мансубликни инобатга олган ҳолда вакиллик ҳокимиятини амалга ошириш истиқболлари ҳам кенг қамровлидир. Глобаллашув шароитида маданий хилма-хилликни сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Бу жараёнда маҳаллий бошқарув органлари муҳим роль ўйнайди, чунки улар аҳоли билан энг яқин мулоқотда бўлган институтлар ҳисобланади.

Миллий-маданий мансубликни вакиллик ҳокимияти амалиётида татбиқ этиш жараёнини чуқурроқ таҳлил қилиш унинг фақат назарий тушунча эмас, балки аниқ ижтимоий-сиёсий механизм сифатида амал қилаётганини кўрсатади. Бу жараёнда энг муҳим жиҳатлардан бири — аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳларининг ўз манфаатларини институционал шаклда ифода этиш имкониятига эга бўлишидир. Айнан шу имконият вакиллик ҳокимиятининг ҳақиқий мазмунини белгилайди. Ўзбекистонда маҳаллий Кенгашлар фаолиятида миллий-маданий мансубликни инобатга олиш, аввало, сайлов жараёнлари орқали намоён бўлади. Сайловларда номзодларни илгари суришда ҳудуд аҳолисининг ижтимоий-демографик таркиби, маданий хусусиятлари ва анъанавий қадриятлари ҳисобга олинади. Бу ҳолат айниқса

[1] Мирзиёев Ш.М. 5-том. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик. М 54 – Тошкент: “Ozbekiston” нашриёти, 2023. – Б.41.

қишлоқ жойларда ва этник таркиби нисбатан бир хил бўлган ҳудудларда яққол кўзга ташланади. Бундай шароитда сайланган депутат нафақат ҳуқуқий ваколатларга эга шахс, балки маҳаллий жамоанинг маданий ва маънавий қадриятларини ифода этувчи субъект сифатида ҳам фаолият юритади.

Мазкур жараёнда “ижтимоий ишонч” категорияси муҳим ўрин тутади. Ижтимоий ишонч — бу аҳолининг вакиллик органларига бўлган муносабати ва ишонч даражасини англатади. Миллий-маданий мансубликни ҳисобга олган ҳолда шаклланган вакиллик органлари одатда юқори даражадаги ишончга эга бўлади. Чунки аҳоли ўзини ушбу органларда “кўради”, ўз манфаатлари ва қадриятлари ҳимоя қилинаётганини ҳис қилади. Бу эса давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди. Маҳалла институти доирасида миллий-маданий мансублик янада чуқурроқ намоён бўлади. Маҳалла нафақат маъмурий бирлик, балки ижтимоий-маданий макон сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Унда анъаналар, урф-одатлар, тил ва маънавий қадриятлар сақланади ва авлоддан-авлодга ўтади. Маҳалла фаоллари, оқсоқоллар ва фаол фуқаролар маҳаллий вакиллик ҳокимияти билан ўзаро алоқада бўлиб, аҳоли манфаатларини етказишда воситачи вазифасини бажаради. Бу жараён миллий-маданий мансубликнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

Замонавий ислоҳотлар шароитида мазкур тушунча янги мазмун билан бойиб бормоқда. Рақамли бошқарув, очиқлик ва шаффофлик тамойилларининг жорий этилиши миллий-маданий мансубликни ҳисобга олишнинг янги усулларини юзага келтирмоқда. Масалан, электрон мурожаатлар тизими орқали турли маданий гуруҳлар ўз муаммоларини бевосита маҳаллий ҳокимият органларига етказиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу эса анъанавий вакиллик шаклларини замонавий технологиялар билан уйғунлаштириш имконини беради. Мисол сифатида айрим ҳудудларда миллий маданий марказлар фаолиятини келтириш мумкин. Ушбу марказлар муайян этник гуруҳларнинг тили, маданияти ва анъаналарини сақлаш билан бирга, маҳаллий бошқарув органлари билан ҳамкорликда турли ижтимоий лойиҳаларни амалга оширади. Бу лойиҳалар орқали аҳоли ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳити шаклланади. Натижада маҳаллий вакиллик ҳокимияти қарорлари кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланади.

Миллий-маданий мансубликнинг яна бир муҳим жиҳати — унинг ижтимоий интеграция жараёнларига таъсиридир. Турли маданий гуруҳлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро тушуниш даражаси қанчалик юқори бўлса, жамиятда ижтимоий барқарорлик шунчалик мустаҳкам бўлади. Бу ҳолат маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, чунки улар қабул қилаётган қарорлар турли гуруҳлар манфаатларини уйғунлаштирган ҳолда ишлаб чиқилади. Шу билан бирга, айрим ҳолатларда миллий-маданий мансубликни нотўғри талқин қилиш ёки ундан сиёсий мақсадларда фойдаланиш хавфи ҳам мавжуд. Бундай ҳолатлар жамиятда бўлиниш ва зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун вакиллик ҳокимияти мазкур тушунчадан фойдаланишда мувозанатни сақлаши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаши зарур. Бу эса ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Мазкур масала фалсафий жиҳатдан қаралганда, “умумийлик ва алоҳидалик” диалектикаси орқали тушунтирилади. Миллий-маданий мансублик алоҳидаликни ифода этса, давлат ва жамият манфаатлари умумийликни англатади. Вакиллик ҳокимияти эса ана шу икки тамойилни уйғунлаштирувчи механизм сифатида намоён бўлади. Ушбу уйғунлик таъминланганда, жамиятда барқарор тараққиёт ва ижтимоий адолат қарор топади.

Глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги даврда миллий-маданий мансублик масаласи янги мазмун касб этмоқда ва у вакиллик ҳокимиятини амалга ошириш амалиётига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Чунки глобал ахборот майдони,

миграция жараёнлари, маданиятлараро алоқаларнинг кенгайиши натижасида анъанавий идентификация шакллари трансформацияга учрамоқда. Бу эса маҳаллий даражада қарор қабул қилиш жараёнларида аҳолининг маданий мансублигини аниқлаш ва ҳисобга олишни янада мураккаблаштиради. Глобаллашув таъсирида шахснинг идентификацияси кўп қатламли тус олади. Бир шахс бир вақтнинг ўзида миллий, минтақавий ва глобал маданий маконларга мансуб бўлиши мумкин. Бу ҳолат вакиллик ҳокимияти олдига янги вазифаларни қўяди. Энди фақат анъанавий этник ёки маҳаллий мансубликка таяниш етарли эмас, балки аҳолининг кенгроқ ижтимоий ва маданий эҳтиёжларини ҳисобга олиш талаб этилади. Бу эса вакиллик институтларининг функционал имкониятларини кенгайтиришни тақозо этади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, кўп миллатли жамиятларда миллий-маданий мансубликни ҳисобга олган ҳолда вакиллик ҳокимиятини ташкил этиш турли моделлар асосида амалга оширилади. Масалан, айрим давлатларда пропорционал вакиллик тизими орқали турли этник гуруҳларнинг парламент ва маҳаллий кенгашларда иштирокини таъминлашга эътибор қаратилади. Бошқа ҳолатларда эса маданий автономия ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтлари орқали мазкур масала ҳал этилади. Ушбу тажрибалардан келиб чиқиб, миллий-маданий мансубликни ҳисобга олишда универсал ёндашув мавжуд эмаслиги, ҳар бир жамият ўз тарихи, маданияти ва ижтимоий тузилмасига мос моделни шакллантириши зарурлиги аён бўлади.

Ўзбекистон шароитида мазкур жараён эволюцион характерга эга. Миллий-маданий мансубликни сақлаш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, бу ҳолат маҳаллий бошқарув тизимида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, турли миллат ва элатларнинг маданий марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини таъминлаш орқали жамиятдаги маданий хилма-хиллик мустаҳкамланмоқда. Бу эса вакиллик ҳокимиятининг ижтимоий базасини кенгайтиради. Миллий-маданий мансубликнинг трансформацияси яна бир муҳим жиҳат — бу унинг коммуникация жараёнларидаги ўрни билан боғлиқ. Замонавий ахборот технологиялари шароитида турли маданий гуруҳлар ўртасидаги мулоқот анча осонлашди. Ижтимоий тармоқлар, онлайн платформалар орқали аҳоли ўз фикр ва таклифларини эркин ифода эта олади. Бу ҳолат вакиллик ҳокимияти учун янги имкониятлар билан бирга, янги масъулиятларни ҳам юзага келтиради. Энди қарор қабул қилиш жараёнида фақат расмий каналлар эмас, балки норасмий ахборот манбалари ҳам инобатга олиниши зарур.

Мазкур жараёнда “цифровий инклюзия” тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. У барча аҳоли қатламларининг, жумладан турли маданий гуруҳларнинг рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятини англатади. Агар бу имконият тенг таъминланмаса, айрим гуруҳлар вакиллик жараёнларидан четда қолиб кетиши мумкин. Бу эса ижтимоий тенгсизликни кучайтириши эҳтимолини юзага келтиради. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари рақамли хизматларни жорий этишда аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Амалиётда миллий-маданий мансубликни ҳисобга олишнинг яна бир кўриниши — бу жамоатчилик муҳокамалари ва иштирокчилик механизмларидир. Масалан, маҳаллий даражада муҳим қарорлар қабул қилишдан олдин аҳоли ўртасида муҳокамалар ўтказиш, турли гуруҳлар фикрини ўрганиш ва таҳлил қилиш амалиёти кенгаймоқда. Бу жараёнда маданий мансублик асосида шаклланган гуруҳлар ҳам фаол иштирок этади. Натижада қабул қилинаётган қарорлар кенг жамоатчилик манфаатларига мос келади. Шу билан бирга, глобаллашув шароитида миллий-маданий мансубликни сақлаб қолиш муаммоси ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Айрим ҳолатларда глобал маданият таъсирида маҳаллий анъаналар ва қадриятлар заифлашиши мумкин. Бу эса жамиятда маданий идентификация инқирозига олиб келиши эҳтимолини юзага келтиради. Бундай вазиятда маҳаллий вакиллик ҳокимияти миллий қадриятларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган дастурларни амалга ошириши муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масала истиқбол нуқтаи назаридан қаралганда, миллий-маданий мансублик вакиллик ҳокимиятининг барқарор ривожланишида стратегик ресурс сифатида намоён бўлади. У жамиятда ижтимоий бирликни таъминлаш, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш ва демократик қадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу жиҳатдан унинг илмий-назарий асосларини янада чуқур ўрганиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Миллий-маданий мансубликни вакиллик ҳокимияти фаолиятида тўғри йўналтириш ижтимоий зиддиятларнинг олдини олиш ва барқарорликни таъминлашда муҳим омил сифатида намоён бўлади. Жамиятда турли этник ва маданий гуруҳлар мавжуд бўлган шароитда манфаатлар тўқнашуви табиий ҳолат ҳисобланади, аммо ушбу тўқнашувларни конструктив йўналишга буриш, уларни зиддият эмас, балки ривожланиш манбаи сифатида қараш вакиллик ҳокимиятининг асосий вазифаларидан бирига айланади. Конфликтологик нуқтаи назардан миллий-маданий мансублик икки хил ролни бажариши мумкин: бир томондан, у ижтимоий зиддиятларнинг манбаи бўлиши эҳтимолига эга, иккинчи томондан эса, уларни ҳал этиш механизми сифатида хизмат қилади. Бу икки жиҳат ўртасидаги мувозанатни таъминлаш эса институционал ечимларга боғлиқ. Агар вакиллик органлари турли маданий гуруҳлар манфаатларини адолатли ва мутаносиб равишда ифода этса, миллий-маданий фарқлар зиддиятга эмас, балки ҳамкорликка хизмат қилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ижтимоий зиддиятлар кўпинча ресурслар тақсимоти, тил сиёсати, маданий ҳуқуқлар ва ижтимоий имкониятларга кириш масалалари билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Маҳаллий даражада бу масалалар янада сезгир тус олади, чунки аҳоли кундалик ҳаёти айнан шу маконда кечади. Шунинг учун маҳаллий вакиллик ҳокимияти мазкур муаммоларни барвақт аниқлаш ва профилактика чораларини кўриш имкониятига эга бўлган энг яқин институт ҳисобланади. Бунда “инклюзив бошқарув” концепцияси алоҳида аҳамият касб этади.

Инклюзив бошқарув барча ижтимоий гуруҳларни, жумладан маданий ва этник жиҳатдан фарқ қилувчи қатламларни қарор қабул қилиш жараёнига жалб этишни назарда тутади. Бу ёндашувда ҳар бир гуруҳ ўзини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис қилади ва бу ҳолат ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашувини олдини олади.

Маҳаллий даражада бундай механизмлар жамоатчилик кенгашлари, маслаҳат органлари, фуқаролар йиғини ва бошқа иштирокчилик шакллари орқали амалга оширилади. Бу институтлар орқали турли маданий гуруҳлар ўз фикр ва таклифларини билдириш имкониятига эга бўлади. Натижада қарорлар фақат юқоридан эмас, балки жамоатчилик иштирокида шаклланади.

Айрим ҳудудларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишда аҳоли ўртасида муҳокамалар ўтказилиши амалиётини келтириш мумкин. Бундай муҳокамаларда турли маданий гуруҳлар ўз эҳтиёжларини баён қилади. Кимдир таълим муассасаларида она тилини ривожлантиришни таклиф этса, бошқалар маданий марказлар ёки жамоат жойларини яхшилашни талаб қилиши мумкин. Бу фикрлар умумлаштирилиб, қарор қабул қилиш жараёнида инобатга олинади.

Миллий-маданий мансубликни конфликтларнинг олдини олиш механизми сифатида қўллашда “маданий мулоқот” тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. Маданий мулоқот турли гуруҳлар ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳурмат муҳитини шакллантиради.

Бу жараёнда таълим, оммавий ахборот воситалари ва жамоат ташкилотлари муҳим роль ўйнайди. Маҳаллий вакиллик ҳокимияти эса ушбу жараёнларни мувофиқлаштирувчи субъект сифатида иштирок этади. Шу билан бирга, ижтимоий зиддиятларни бартараф этишда профилактика чоралари алоҳида ўрин тутади.

Бундай чоралар қаторига аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш, толерантликни тарғиб қилиш, маданий хилма-хилликка нисбатан ҳурматни шакллантириш киради. Бу вазифаларни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органлари таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. 1-том. Миллий тараққиёт йўлимизни қатьият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. М 54. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б.575.
2. Мирзиёев Ш.М. 2-том. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. М 54. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б.127-бет.
3. Мирзиёев Ш.М. 4-том. Миллий тикланишдан-миллий юкланиш сари. М 54 – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. – Б.47.
4. Мирзиёев Ш.М. 5-том. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик. М 54 – Тошкент: “Ozbekiston” нашриёти, 2023. – Б.408.